

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазири
_____ А. Ташкулов
2024 йил “___” январь

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Ўзбекистон Республикаси
Рақамли технологиялар вазири
_____ Ш. Шерматов
2024 йил “___” январь

Аҳолининг Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали электрон давлат хизматларидан фойдаланишнинг
миқдори ва сифатини ошириш бўйича 2024 йилга мўлжалланган
“ЙЎЛ ХАРИТА”

Т/р	Тадбирларнинг номланиши	Амалга ошириш шакли	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар
1.	Аҳолига давлат хизматларини кўрсатишда юзага келадиган муаммоларни (тизимдаги узилишлар, маълумотлардаги хатоликлар кабилар) тезкор бартараф этиш бўйича икки вазирлик ўртасида ишчи гуруҳ тузиш.	Амалий чора-тадбирлар	2024 йил январь	Адлия вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги
2.	Давлат хизматидан фойдаланиш учун Давлат хизмат марказларига (кейинги ўринларда – ДХМ) ташриф буюрган фуқаролар хошишига кўра Ягона интерактив давлат хизматлари порталида (кейинги ўринларда – Ягона портал) шахсий кабинет очиб беришни таклиф қилиш.	Амалий чора-тадбирлар	2024 йил давомида	Адлия вазирлиги
3.	ДХМларда Ягона идентификация тизими (OneID) фойдаланувчиларининг логин ва калит сўз (пароль) тиклаш, бириктирилган телефон рақамларини ўзгартириш хизматини йўлга қўйиш.	Амалий чора-тадбирлар	2024 йил давомида	Адлия вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги
4.	Ягона идентификация тизимидаги (One ID) эсдан чиқарилган логин ва паролларни тиклашнинг самарадорлигини ошириш. Бунда, жисмоний шахсларнинг Ягона идентификация тизимида (One ID) логин ва паролларни тиклашда Face ID (MyID) ва видеоконференц алоқа воситаларидан фойдаланишни йўлга қўйиш.	Амалий чора-тадбирлар	2024 йил июль	Рақамли технологиялар вазирлиги, Адлия вазирлиги
5.	Аҳолининг Ягона портал орқали хизматлардан фойдаланиш даражасини ошириш бўйича ИТ, хизмат	Амалий чора-тадбирлар	2024 йил июль	Рақамли технологиялар вазирлиги,

Т/р	Тадбирларнинг номланиши	Амалга ошириш шакли	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар
	кўрсатиш, банклар, суғурта, алоқа компаниялари, соҳадаги нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорлик ўрнатиш.			Адлия вазирлиги
6.	Ягона порталда жорий этилган ҳар бир давлат хизматидан қандай фойдаланишни тушунтиришга қаратилган инфографика ва видеороликлар тайёрлаш.	Амалий чора-тадбирлар	2024 йил давомида	Рақамли технологиялар вазирлиги, Адлия вазирлиги
7.	Аҳолининг ёши катта қатламлари, ногиронлиги бўлган шахсларга мўлжалланган давлат хизматларидан ЯИДХПда фойдаланиш жараёнларини қайта кўриб чиқиш ва ортқча ёки бюрократик тартиб (талаблар)ни бекор қилиш.	Амалий чора-тадбирлар	2024 йил апрель	Адлия вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги
8.	Ягона портални тарғиб қилувчи буклет, флаер каби тарқатма материаллар тайёрлаш ҳамда Давлат хизматлари марказларида тарқатиш.	Амалий чора-тадбирлар	2024 йил давомида	Рақамли технологиялар вазирлиги, Адлия вазирлиги ва ҳудудий адлия органлари
9.	14 та ДХМларда ўз-ўзига хизмат кўрсатиш нуқталарини ташкил этиш бўйича инфокиоскларни харид қилиш ва жойлаштириш.	Тендер савдоларини ўтказиш	2024 йил март	Рақамли технологиялар вазирлиги, Адлия вазирлиги
10.	ДХМлардаги инфокиосклардаги махсус модулда шахсни биометрик (MyID) идентификациялаш имкониятини яратиш ва талабгорлиги юқори бўлган хизматлар сонини 50 тага етказиш.	Ташкилий-техник тадбирлар	2024 йил март	Рақамли технологиялар вазирлиги, Адлия вазирлиги
11.	ДХМларда хизмат натижасини фақатгина ўз-ўзига хизмат кўрсатиш нуқталари ва инфокиосклар орқали олиш амалиётини йўлга қўйиш.	Амалий чора-тадбирлар	2024 йил февраль	Адлия вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги
12.	Талаб юқори бўлган давлат хизматларини ажратиб олиш ва улардан Ягона портал орқали фойдаланиш бўйича телевидения ва жамоат транспортида ахборот бериб бориш.	Амалий чора-тадбирлар	2024 йил давомида	Рақамли технологиялар вазирлиги
13.	Ягона порталнинг ДХМлар орқали давлат хизматларини кўрсатишга ихтисослашган модули dxa.gov.uz орқали фойдаланувчиларга кўрсатилган хизматлар ҳолати ва натижаси бўйича Ягона порталнинг	Амалий чора-тадбирлар	2024 йил июнь	Адлия вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги

Т/р	Тадбирларнинг номланиши	Амалга ошириш шакли	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар
	мобил иловасига хабарнома (PUSH) юбориш имкониятини жорий этиш.			
14.	Кўрсатилаётган давлат хизматларини онлайн ва офлайн кесимида таҳлил қилиш ҳамда энг кўп офлайн шаклда фойдаланиладиган давлат хизматларини ажратиб олиш, улардан онлайн шаклда фойдаланишни ошириш бўйича тегишли тартибларни (низом, регламент) ва ахборот тизимларидаги жараёнларни қайта кўриб чиқиш.	Амалий чора-тадбирлар	2024 йил давомида	Рақамли технологиялар вазирлиги, Адлия вазирлиги
15.	Худудлар кесимида давлат хизматларини онлайн ва офлайн кесимида таҳлил қилиш ва давлат хизматларидан энг кўп офлайн шаклда фойдаланадиган худудларда аҳолининг ИТ саводхонлигини ошириш, электрон давлат хизматларидан фойдаланиш тартиби ва афзалликлари бўйича ДХМларда волонтерлик ҳаракатларини йўлга қўйиш.	Амалий чора-тадбирлар	2024 йил давомида (график асосида)	Адлия вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги,
16.	Ягона порталда мавжуд давлат хизматларини фойдаланишда аризаларни электрон рақамли имзо билан тасдиқлаш талабини қайта кўриб чиқиш ва ушбу талабни бекор қилиш бўйича таклиф ишлаб чиқиш.	Амалий чора-тадбирлар	2024 йил апрель	Адлия вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги
17.	Ягона порталда қорақалпоқ тилини жорий этиш.	Амалий чора-тадбирлар	2024 йил сентябрь	Рақамли технологиялар вазирлиги, Адлия вазирлиги
18.	Ягона портал орқали кўрсатилаётган электрон давлат хизматларини “3 қадам” тамойили асосида соддалаштириш (ҳар чоракда 10 тадан).	Амалий чора-тадбирлар	2024 йил давомида	Адлия вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги
19.	Ягона портал орқали давлат хизматларидан фойдаланишда тўловлар бўйича қўлланилаётган имтиёзни 90 фоиздан 80 фоизга тушириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.	Таҳлилий маълумотнома, заруратга кўра норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2024 йил июль	Адлия вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги

Т/р	Тадбирларнинг номланиши	Амалга ошириш шакли	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар
20.	Аҳоли ва тадбиркорлар ўртасида ўрганиш ва сўровлар ўтказиш йўли билан электрон шаклга ўтказилиши керак бўлган тартиботлар, давлат ташкилотлари функциялари ва давлат хизматларини аниқлаш ҳамда уларни Ягона порталда жорий қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.	Амалий чора-тадбирлар	2024 йил август	Рақамли технологиялар вазирлиги, Адлия вазирлиги
21.	Аҳолининг электрон давлат хизматларидан фойдаланиш кўникмаси юқори бўлган қатламларига (ёшлар, талабалар) ҳамда юридик шахсларга мўлжалланган давлат хизматларидан фақат онлайн фойдаланишни йўлга қўйиш бўйича хизматлар рўйхатини шакллантириш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2024 йил август	Адлия вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги
22.	Тадбиркорлик субъектларини жалб қилган ҳолда қидирув тизимларида (SEM) ҳамда ижтимоий тармоқларда (SMM) Ягона порталда жорий этилган хизматларнинг реклама кампанияларини ташкил этиш ҳамда натижаларни таҳлил қилиб бориш.	Амалий чора-тадбирлар	2024 йил давомида	Рақамли технологиялар вазирлиги, Адлия вазирлиги
23.	Фуқароларни Ягона портал орқали давлат хизматларидан фойдаланиш бўйича рағбатлантиришни йўлга қўйиш. Бунда, “Ягона портал орқали давлат хизматларидан фойдаланиш тарғиботчиси” , бир йил давомида “Электрон давлат хизматларини кўрсатган давлат хизматчиси” каби номинациялари бўйича тақдирлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.	Амалий чора-тадбирлар	2024 йил июнь	Рақамли технологиялар вазирлиги, Адлия вазирлиги
24.	Ягона порталнинг мобил иловаси орқали кўрсатиладиган давлат хизматлари сонини ошириш (йил давомида 60 та).	Амалий чора-тадбирлар	2024 йил декабрь	Рақамли технологиялар вазирлиги, Адлия вазирлиги
25.	Ягона порталда чат, бот ва бошқаларни кенг жорий қилган ҳолда давлат хизматларини кўрсатиш соҳасида юзага келаётган масалалар юзасидан аҳолига 24 соат давомида маслаҳат ва тушунтиришлар беришни йўлга қўйиш.	Амалий чора-тадбирлар	2024 йил давомида	Рақамли технологиялар вазирлиги, Адлия вазирлиги

Т/р	Тадбирларнинг номланиши	Амалга ошириш шакли	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар
26.	Ягона порталда сунъий интеллект имкониятларини кенг жорий қилиш, бунда тизим фуқаронинг мулкӣ, ижтимоӣ, оилавий ва бошқа ҳолати ўзгаришига қараб кўрсатилиши лозим бўлган хизматларни фойдаланувчига таклиф қилиб бориш.	Амалий чора-тадбирлар	2024 йил декабрь	Рақамли технологиялар вазирлиги, Адлия вазирлиги